



### Президентимиз

Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шarti ва гарови — бу тинчлик ва осойишталикдир.

Халқимиз бу сўзларнинг мазмун-моҳиятини яхши англайди. Зеро, ҳамиша тинчлик учун курашиб, интилиб яшаймиз. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган илк кунлардан ҳаётимизни тинчлик ва барқарорлик асосига қуриш йўлини танлаганимизнинг мазмуни ҳам ана шунда.



Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Куролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 125-модда.

### Munosabat

## Конституциямизнинг дунёвий эътирофи

Мамлакатимиз Конституцияси давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитаётган Қомусномадир. Унда миллий анъана ва қадриятлар билан бир қаторда умуминсоний қадриятлар мужассамлаштирилгани, миллий ҳуқуқ нормаларининг умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига уйғун тарзда ифода этилгани амалда унинг муваффақиятини таъминламоқда. Айни шу жиҳатлари билан Конституциямиз халқимиз кўнглидан чуқур жой олиши билан бирга халқаро экспертларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Қуйида ана шундай фикрлардан айримлари билан танишасиз:

**Андрэ ДЮЛЕ,**  
Франция Сенатининг «Франция-Марказий Осиё» парламентлараро гуруҳи раиси:

— Ўзбекистон Конституцияси жаҳонда амалдаги энг демократик Асосий қонунлардан биридир. Унинг қоидалари давлат бошқарувининг замонавий институтлари ташкил этилиши ва риволаниши ҳамда фуқаролик жамияти мустақамланиши имкониятини беради. Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва «хабеас корпус» институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган аниқ қадам-

ларнинг натижалари бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бугунги кунда юздан ортиқ этник гуруҳлар иноқ яшаётган Ўзбекистон фуқаролик институтлари самарали фаолият кўрсатиши учун очик бўлган демократик мамлакат ҳисобланади.

Мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистон энг ривожланган демократик мамлакатлар бир неча ўн йиллар мобайнида эришган натижаларни қўлга киритди.

**Катрин ПУЖОЛЬ,**  
Шарқ цивилизациялари миллий институти профессори, сибсатшунос (Франция):

— Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг роли ва ўрни тобора ошиб бораётган шароитларда мамлакат Конституцияси маънавий тараққиётни таъминлаш ишида, асосийси, мамлакатнинг изчил иқтисодий ривожланиши ва халқ фаровонлиги ошишида реал ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Конституцияси мустақиллик қўлга киритилгандан кейин жуда қисқа муддатларда ишлаб чиқилганлиги ва қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Асосий қонунни ишлаб чиқишда ўзбек

давлатчилиги ривожланишининг бой тарихий йўли, конституциявий қурилишнинг замонавий голяри, универсал демократик тамойиллар ҳамда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг илғор конституциявий тажрибаси ҳисобга олинди.

Ўзбекистон Конституцияси демократик ривожланиш йўлида мамлакатнинг барқарор ва изчил олға боришининг, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишнинг асоси ҳисобланади.

**Г.ШТРОМАЙЕР,**  
Берлин-Бранденбург Фанлар академияси профессори (Германия):

— Ўзбекистон Конституциясида умуминсоний қадриятлар билан биргаликда ўзбек халқининг ноёб миллий анъаналари тўлиқ даражада акс эттирилган. Унда бошқа мамлакатлар

конституцияларида кўриш кийин бўлган кексаларга гамихўрлик қилиш, болаларнинг ота-оналар олдидаги бурчлари каби тамойиллар мустақамланган.

**К.ЛАДАЖ,**  
Фондс университетини профессори, ҳуқуқатта қарашли бўлмаган «Interwine Consultancy» ташкилоти раҳбари (Нидерландия):

— Ўзбекистон Конституцияси билан танишиб, у демократик давлатнинг умумий эътироф этилган барча меъёрларига жавоб берадиган замонавий Конституция экан,

деган хулосага келдим. Ўзбекистон Конституцияси замонавий демократик жамият кураётган кўплаб бошқа давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Нирмала ЖОШИ,**  
«Ҳиндистон-Марказий Осиё» тадқиқот жамғармаси директори:

— Ўзбекистон Конституцияни қабул қилиб қонун ус-туворлигига ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган демократик риволаниш йўлини танлади. Ўзбекистон Конституцияси ислохотлар миллий моделини муваффақиятли амал-

га оширилиши ва мамлакатни модернизация қилиш учун яхлит ҳуқуқий базани таъминламоқда. Мана шу тўғрисида давлат итимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишларда улкан таассурот қолдирадиган натижаларга эришмоқда.

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2012 йил 4-сонидан олинди.

## МАРДЛИК ВА МАТОНАТ МАКТАБИ

Давлатимиз раҳбари томонидан 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилгани ҳеч кимга қарам бўлмай яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги дадил қадам бўлди. Вазирлик умумий сафарбарлик, миллий армияни шакллантириш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, ҳарбий таълим соҳасини бошқариш, муддатли ҳарбий хизматга қақирувни ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва курол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш каби

миллий мустақилликни мустаҳкамлаш борасидаги энг муҳим вазифаларни бажаришга киришди. 1992 йил 14 январь кунини давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва муассасаларни Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказишга оид қарори қабул қилинди. Уша кундан миллий армиямизга асос солинди. 1993 йилдан бу кун мамлакатимизда миллий байрам — Ватан ҳимоячилари кунини сифатида кенг нишонланмоқда. Армияни том маънода армия қила-

диган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч бу — армия сафларида хизмат қилаётган инсонлардир. Бугун миллий армиямиз сафларида ана шундай мард ва жасур, ҳар томонлама чиниққан йигитлар хизмат қилмоқда. — Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда барча тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳаракатчан,

ҳар томонлама яхши куролланган армияни ташкил этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул ходими, подполковник А.Аҳмедов. — Бу жараёнда офицер кадрларни тайёрлаш, ҳарбийларнинг жанговар маҳорати, билим ва малакасини ошириш, маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

### Xabar

## Одил судловни таъминлашда экспертиза имкониятлари

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида экспертиза хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тармоқнинг ҳолис ва аниқ хулоса берадиган замонавий техник база, юқори аниқликдаги таҳлил воситаларига эга бўлиши одил судловни таъминлашда алоҳида ўрин тутаяди.



эксперти ва унинг хулосасининг мустақиллигини таъминлайдиган меъёрлар ва бошқа қоидаларни ўз ичига

олувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Шу билан бирга, мамлакатимизда экспертизанинг муҳим йўналиши бўлган суд психологияси ҳам ривожланиб бормоқда. Боиси суд процессида судья жиҳоят содир этган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш билан бир қаторда, уларни жиҳоят содир этишга ундаган сабабларни ҳам аниқлаши, бу жараёнда уларнинг руҳий ҳолатига баҳо бериши талаб этилади.

(Давоми иккинчи бетда)

2010 йил 1 июнда «Суд экспертизаси тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилингани мамлакатимизда суд экспертизасининг изчил ривожланиши, экспертлик тадқиқотларининг жаҳон стандартла-

рига мос, замонавий илмий даражада ўтказилишида муҳим ҳуқуқий асос яратди. Суд экспертизаси институти билан боғлиқ муҳим масалаларни тартибга солишга йўналтирилган ушбу қонун суд

Бош Қомусимизда эътироф этилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин қасб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонуний тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

### Fuqarolik qonunchiligi

## Меҳнат

## муносабатларида ходим манфаати

### у қонун асосида ҳимоя қилинади

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу борадаги мавжуд меъёрлар бузилган тақдирда


бундай ишлар суд тартибида кўриб чиқилади. Меҳнат низолари билан боғлиқ ишни қонуний муддатда ва тўғри ҳал этиш учун судья ишни судда кўришга етарли даражада тайёрлаши лозим. (Давоми учинчи бетда)

### Bag'rikenglik tamoyillari

## Ярашув институти

### инсон манфаати, оилалар барқарорлигига хизмат қилмоқда

Маълумки, демократик тараққиёт йўлидан дадил илгариланган мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш борасида юксак натижаларга эришилмоқда. Бунга ўтган йиллар мобайнида суд-ҳуқуқ тизимининг тамомила янги концепцияси жорий этилгани асосий омил бўлмоқда. Чунки халқимиз табиатига хос инсонпарварлик ва



бағрикенглик тамойиллари миллий қонунчилигимиз асосига айланди. (Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонун ҳужжатларини изчилик билан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Қабул қилинаётган қонунлар асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддаштирилди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва амалга жорий этилди.

Қонун кўмаги

## Тадбиркорлик фаолияти

унинг қонуний кафолатлари



Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларда ўтказиларди қаратилган қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. 2012 йилнинг ўтган даврида бошқармага тадбиркорлик субъектларидан жами 188 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг аксарияти қаноатлангандир. Масалан, "CONSALTING GOLD PLUS" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари Мирзо Улуғбек тумани статистика бошқармаси ҳисоботларни ёзма жадвал асосида қабул қилишни рад этганини билдириб мурожаат қилган. Урганиш жараёнида ушбу мурожаатда келтирилган важар ўз тасдиғини топганлиги боис, туман статистика бошқармаси раҳбарига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди ва суднинг қарори билан ҳуқуқбузарга энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдоридан жарима қўлланилди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш мақсадида барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принциплари жорий қилинди. Яъни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча эҳдида ва ноаниқликлар тадбиркор фойдасига талқин этилиши белгиланди.

Айтиш керакки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда барча кўринишдаги асосий аралашувларнинг олдини олишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигига қарамай айрим идоралар фаолиятида бундай ноқонуний ҳолат ҳамон учраб туради.

Мазкур ҳолатларни батамом бартараф қилиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун маъмурий жавобгарликка оид қонунчилик янада такомиллаштирилди. Эндиликда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашган даражасига қараб жарима солиш ёки муайян ҳуқуқдан, ҳатто озодликдан маҳрум қилишга бўлган жазолар қўлланишига асос бўлади.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркор-

лик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

2012 йилнинг ўтган даврида бошқармага тадбиркорлик субъектларидан жами 188 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг аксарияти қаноатлангандир. Масалан, "CONSALTING GOLD PLUS" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари Мирзо Улуғбек тумани статистика бошқармаси ҳисоботларни ёзма жадвал асосида қабул қилишни рад этганини билдириб мурожаат қилган. Урганиш жараёнида ушбу мурожаатда келтирилган важар ўз тасдиғини топганлиги боис, туман статистика бошқармаси раҳбарига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди ва суднинг қарори билан ҳуқуқбузарга энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдоридан жарима қўлланилди.

Шунингдек, адлия бошқармасининг "Ишонч телефони" лари тадбиркорлик субъектларидан жами 96 та мурожаатлар келиб тушган. Шундан 45 таси бўйича тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2012 йил давомида бошқарма томонидан тегишли идораларга киритилган 74 та тақдимнома, 56 та огоҳнома ва 26 та кўрсатма натижасида 61 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шу жумладан, бир нафар мансабдор шахс эғаллаб турган лавозимидан озод этилди ҳамда ўн нафар масъул мансабдор шахс суднинг қарори билан маъмурий жаримага тортилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир тадбиркор манфаатини муҳофаза қилиш уларнинг келгусида янада ривож топишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз иштибоқлиги ва ҳалқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

**Отабек АЗИМОВ,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Истиқлол йилларида Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик, Чирчиқ олий танк кўмондонлик ва Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда Марказий Осиёдаги дастлабки Куролли Кучлар академияси ташкил этилди. Ахборот технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар тайёрланмоқда.

Бундай кенг кўламли ишлар самарасида армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, ҳалқимизнинг тинч ҳаёти ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустақам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланидиган, жисмоний чиқинчи ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий ҳаёт мактабига айланмоқда.

Бош Қомусимизда мамлакатимиз Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилиши, шу билан бирга, Ватанимизни ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи экани қайд этилган. Бугун ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурчини адо этиш, айни вақтда нуфузли ва шарафли ишга айланди. Муддатли ҳарбий хизматга олишда чақирилувчиларнинг соғлиги, билим ва кўникмалари, дунёқаролини синовдан ўтказиш тизими йўлга қўйилган. Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб етишмоқда.

Бунинг самарасида аскарлар жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисослиқни сифатли ўзлаштирмоқда. Ахборот-компьютер технологияларида асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услублари бўйича билимини оширмоқда. Замонавий қурол-яроғларни ишла-

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига

## Мардлик ва матонат мактаби

тишни, ҳарбий тактикани пухта эғаллаб, том маънода ҳарбий санъатни ўрганмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида муддатли ҳарбий хизматга чақирув йилига бир марта — февраль-март ойларида ўтказилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш тизимига оид илғор тажриба атрофлича ўрганилиб, вилоятларимизнинг иқлим шароитлари инobatга олинган ҳолда сўнги урфдаги, ҳар бир қўшин турига хос киши ва ёғи ҳарбий кийим, зирҳли нимчалар, табиий чармдан тайёрланган пойабзаллар ишлаб чиқилди. Ушбу буюмлар мамлакатимизнинг тоғли ҳудудлари ва чўл зоналарида синовдан ўтказилиб, ҳарбий хизматчилар учун жорий этилган буюм таъминоти меъёрларига киритилди. Энг муҳими, уларнинг барчаси юртимизда тайёрланмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини яхшилаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги беш йилда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч баробар ошган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг ойлик маошлари ва муддатли ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқдори эса, саккиз баробар ўсгани ҳам шундан далолат беради.

Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик байрами арафасида юртимизнинг турли ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Қўллаб ҳарбийлар байрамни оиласи билан янги уйда кутиб олди.

— Энг улғ, энг азиз байрамимиз арафасида уч хонали уйга эга бўлдик, — дейди майор Яхё Ҳамидов. — Янги уйимизда яшаш, дам олиш ва фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш учун барча шароит яратилган. Президентимиз то-



монидан биз, ҳарбийларга қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдоримиз.

Ҳарбий қисм кўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган собиқ аскарларга мамлакатимиз олий ўқув юрларига ўқишга киришда тест синовларида имтиёзли балл бериш тизими жорий этилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шаклида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида фаоллигини намойён этса, контракт суммасининг 35 фоизини тўлаб бериши йўлга қўйилди. Бу имтиёзлар ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизмат нуфузини янада юксалтиришда, хизмат давомида пухта билим ва тайёргарликка интилишида рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 май куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу борадаги имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омиллари янада кучайтирилди.

Қарорда тавсияномалар жанговар ва маънавий-маърифий тайёргар-

ликда юқори натижаларга, зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодларгагина берилиши таъкидланган. Бу ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматни ўташ чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, миллий армиямиз сафларини жисмонан бақувват, маънавий етук ёшлар билан тўлдирishга хизмат қилади.

— Ҳарбий хизматда мен фақат жисмоний эмас, балки ақлий ва руҳий жиҳатдан ҳам чиқиндим, — дейди Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети биринчи босқич талабаси, сурхондарёлик Исроил Эсонов. — Бу ўзимни яхши томонлама кўрсатиш ва кўмондонлик тавсияномасига эга бўлишимга ёрдам берди. Бундай имтиёздан фойдаланиб, талабалик бахтига мурасар бўлдим.

Миллий армиямиз ҳаётиимиз тинчлиги ва фаровонлигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Элу юртинчилиги ва осойишталигини асрашни, Ватан сарҳадлари дахлсизлигини ҳимоя қилишни, шулар орқали юрт равнақига, аҳоли фаровонлигига хисса қўшишни ўз умрининг мазмуни деб билган фарзандлари бор мамлакат ҳамisha барқарор ривожланаверади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси

Xabar

## Одил судловни таъминлашда экспертиза имкониятлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, фуқаролик низоларининг қонуний ечимини топишда суд психология экспертизалари хулосаси муҳим аҳамиятга эга. Суд амалиётида болани олиб бериш, унинг ота-оналардан қайси бири билан яшашини белгилаш ҳамда битимлар билан боғлиқ низоларни ҳал этишда суд психология экспертизалари қўллаб ўтказилмоқда. Бунда судьяга шахс психологиясига оид билимлар ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ўзбекистон психологлар ассоциацияси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида суд психологиясининг аҳамияти,



имкониятлари ҳамда муамло ва ечимлар" мавзуида ташкил этилган илмий-амалий конференцияда шу

ҳақда гап борди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда экспертиза хизматини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бераётган. Суд амалиётида суд психолог экспертизаларига бўлган эҳтиёж ҳисобга олиниб судьяларнинг психология соҳаси бўйича билимларини кенгайтириш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётган.

— Мамлакатимизда психология фанини замон талаблари даражасида ривожлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон психологлар ассоциацияси бошқаруви раиси Хулқар Маҳмудова. — Соҳа-

нинг турли йўналишлари бўйича олиб борилаётган илмий изланишларнинг барчаси, энг аввало, инсон руҳияти билан боғлиқ жараёнларни чуқур таҳлил этиш, булардан унинг манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган. Бундай изланишлар самараси ўлароқ соҳада ўнлаб фан докторлари, 150 дан ортиқ фан номзодлари пайдо бўлди. Айнан суд психологияси борасида ҳам илмий тадқиқотлар олиб бориб, илмий уновларни қўлга киритган мутахассислар талайгина.

Мазкур ассоциация ҳузурида "юридик психология" бўлими ташкил этилган бўлиб, унга суд психологияси билан шугулланиб келаётган эксперт психологлар жамланган.

Конференцияда суд психологияси соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда учраётган айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

Bag'rikenglik tamoyillari

## Ярашув

айбланувчи, судланувчи ярашган тақдирда суд айбллиқ ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб ишни тугатиш тўғрисида ажири чиқаради. Бундай ҳолатда жиноят содир этган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Ушбу институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиши билан одамлар эътирофига сазовор бўлмоқда. Масалан, Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмида "Жабрланувчи Жиноят кодексининг 66-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши суд томонидан айбллиқ масаласи ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин"лиги қайд этилган.

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар ёхуд унинг қонуний вакили томони-

дан суриштирув ва дастлабки тергов каби суд муҳокамасининг исталган босқичида фақат суд маслаҳатга киргунга қадар берилади. Ярашув тўғрисидаги аризада жабрланувчиға ёки фуқаровий даъвогарга етказилган зарар бартараф қилингани, ярашганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юриштирилиши тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шартлиги қонунда белгилаб қўйилган.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, гумон қилинувчи С.Ермаматов (исм-шарифлар шартли) шу йилнинг 30 август куни "Шевроннива" русумли

автомашинасида "Навбахор-Кармана" йўналиши бўйича ҳаракатланиб бораётган, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузади. Яъни қарама-қарши томондан "Кармана-Навбахор" йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган Г.Аббосов бошқарувидаги "Дамас" русумли автомашина билан тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этади.

Оқибатда "Дамас" автомашинасида бўлган Н.Шодиева ўртача оғирликда тан жароҳати олади. С.Ермаматов Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинади.

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Меҳнат муносабатларида ходим манфаати

**(Давоми. Бошланчи биринчи бетда)**

Яъни Фуқаролик-процессуал кодексининг 161-моддаси талабига тўлиқ риоя қилиши, жумладан, тарафларни чақириб, даъвогардан даъво талабларини аниқлаши, жавобгардан даъво аризаси юзасидан эътирознома олиши, ишга учинчи шахсларни жалб қилиш масалаларини муҳокама қилиши, далилларни талаб қилиб олиши зарур.

Бу жараёнда судья ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ва ходимни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқларни, касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилинган қарори нусхаси, даъвогарнинг қароматига бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар сони ва оилавий аҳоли, даъвогарнинг ўртача ойлиги ҳақидаги маълумотнома, ходим бажариши лозим бўлган меҳнат вазифаларини уддалай олмаётганлигини тасдиқловчи далиллар каби ҳужжатларни талаб қилиб олиши лозим.

Судлар ишга тиклаш ҳақидаги даъво билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда ҳақиқатан ҳам, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгарган ёки ўзгармаганини, корхонанинг фаолияти тугатилган-тугатилмаганлигини аниқлаши, иш берувчи томонидан ходимларни ишдан бўшатиш асослари ва тартибини белгилловчи меҳнат қонунлари талабларига риоя этилган-этилмаганлигини текшириши, ишда қолдириш учун қонунчиликда белгиланган имтиёзли ҳуқуқ инobatта олинган-олинмаганлигига эътибор бериши зарур.

Шунингдек, ходим бажариши лозим бўлган меҳнат вазифаларини уддалай олмаётганлигини тасдиқловчи фактларнинг мавжудлигига ҳам эътибор қаратилади. Бунда ходим ҳақиқатан ҳам, меҳнат қоидаларини мунтазам равишда бузиб келганлиги ҳолатини аниқлаш, интизомий жазо чораларини қўллашда белгиланган муддат ва тартибга риоя қилинган-қилинмаганлиги, ходимнинг моддий жавобгарликка тортилиши ёки унга нисбатан бошқа таъсир чоралари қўлланилиши асосли бўлган-бўлмаганлигига ҳуқуқий баҳо бериш лозим.

## У қонун асосида ҳимоя қилинади



Айтиш керакки, суд амалиётида турли хил меҳнат низолари учрайди. Таҳлилларга қараганда, меҳнат низолари билан боғлиқ фуқаролик ишларининг аксариятини меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш ташкил этади.

Меҳнат қонунчилигига кўра, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт (Меҳнат кодексининг 100-моддаси).

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллари бўлган даврда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилган қарори ҳақида иш берувчига ёзма равишда хабар бериши керак. Бундай хабар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдирномаси олинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Иш берувчи касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилган қарори ҳақида иш берувчига ёзма равишда хабар бериши керак.

Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-харакатлар содир этиши муносабати билан бекор қилинган ҳолларда иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида уч кун олдин хабардор қилади ёки унга шунга мутаносиб тоvon пули тўлайди. Ходимга бошқа иш кидириш учун ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади.

Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига асосан ходимни ишдан бўшатишга унинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра, бажараётган ишга нолойиқ бўлиб қолган пайтда йўл қўйилади. Қўйидаги мисол ҳам бу ҳолатни тасдиқлайди.

Даъвогар Н.Аҳмедова жавобгар Бухоро шаҳар 49-сон маҳалла фуқаролар йиғинига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қонунга хилоф тарзда ишдан бўшатирилгани, бир неча йилдан буён шу маҳалла фуқаролар йиғинида ишлаб, бирор-бир интизомий жавобгарликка тортилмаганини кайд этиб, ишга тиклаш ҳамда мажбуран ишламай юрган кунлари учун иш

ҳақи ундириб беришни сўраган.

Суднинг қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилди. Чунки ходимнинг лавозимидан озод қилиш ҳақидаги буйруқда асос сифатида келтирилган маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг йиғилиш баённомасида маҳалла маслаҳатчиси иш фаолиятини Низом талаблари асосида олиб бормаётганлиги ҳақидаги маълумотлар қайд этилган. Кенгаш аъзолари томонидан ходимни ишда йўл қўйган камчиликлар учун Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қарор қилинган бўлса-да, мазкур йиғилиш баённомасида ходимнинг лавозимига нолойиқлиги, унинг бажариши шарт бўлган, топширилган ишни уддалай олмаётганлигини гувоҳлантирувчи аниқ фактлар қайд этилмаган ёки ушбу ҳолатларни тасдиқловчи далиллар иш берувчи томонидан судга тақдим қилинмаган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **“Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”**ги қарорининг 28-бандига кўра, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилинган шахсларни ишга тиклаш ҳақидаги даъволарни ҳал этишда судлар қўйидагиларни назарда тутишлари лозим: ходим бажарилаётган ишга нолойиқ бўлиши малакаси етарли бўлмаганлиги ва ходимнинг соғлиги ҳолатига кўра, бўлиши мумкин; агар ходим у билан тузилган меҳнат шартномасига кўра, айнан бажариши шарт бўлган ишни уддалай олмаётган бўлсагина, нолойиқлиги бўйича меҳнат муносабатларининг бекор қилинишига йўл қўйилади. Агар ходим унинг розилигисиз ишлаб чиқариш зарурати билан ёки иш тўхтаб қолганда иш берувчининг ташаббусига кўра, вақтинча ўтказилган ишни уддалай олмаётган бўлса, у билан бўлган меҳнат шартномасини ишга нолойиқлиги бўйича бекор қилинишига йўл қўйилмайди; ходимнинг ишга нолойиқлиги у бажариши шарт бўлган, топширилган ишни уддалай олмаётганлигини гувоҳлантирувчи аниқ фактлар билан, соғлиги ҳолатига кўра, нолойиқлиги эса, тиббий хулоса билан тасдиқланиши лозим.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, меҳнат қонунчилигида ходимларнинг барча ҳуқуқ ва манфаатлари акс эттирилган. Ҳеч бир шахс асоссиз равишда ишдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Бу борадаги қонунчиликдан ҳар бир раҳбар яхши хабардор бўлиб, амалда уларга тўлиқ риоя этиши мақсадга мувофиқ.

**Ғ.ДАВЛАТОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Бухоро шаҳар судининг раиси

*Mezon*

# Инсонпарварлик тамойили

## хатодан тўғри хулоса чиқаришга имкон бермоқда

Бу воқеа шу йил 13 июл куни юз берди. Зарнигор (исм-шарифлар ўзгартирилди) онаси Фароғат она билан шаҳарнинг пиёдалар учун ажратилган йўлақдан кетиб боришга қарши тўғри хулоса бермоқда бир нотаниш кимса келиб уларнинг ёнидан ўтиб кетди.

Сал ўтмай ўша кимса ортга қайтар экан, қутилмаганда Зарнигорнинг бўйнидаги тилло занжирни бир ҳамла билан олди-ю, қочди-кетди. Она билан бола «хай-хай»лаганча унинг ортидан югуришди. Аммо ўри бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Фароғат она ўзини босиб олгач, машина тўхтади-да, унинг ортидан қувди ва ҳайдовчининг ёрдами билан ҳалиги кимсани тутиб олиб, ички ишлар идорасига хабар қилишди. Тилло занжирни ўғирлаган А.Ниёзқулов эди. Тилло занжир А.Ниёзқуловдан далилий ашё сифатида олинди, жабрланувчига қайтарилди.

Суд мажлисида А.Ниёзқулов ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан қаттиқ пушаймон эканини билдирди.

Тергов идораси томонидан А.Ниёзқулов ўзганинг анча миқдордаги, яъни 2 миллион сўмлик мулкни очикдан-очик талон-торож қилганлиқда айбдор деб топилди.

Кези келганда шунини айтиш жоизки, Жиноят кодексининг махсус қисми саккизинчи бўлимидаги атамаларда жуда кўп миқдордаги зарар деган-да, амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор тушунилиши кўрсатилган. 2012 йил 1 августдан бошлаб республикамизда энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 72 минг 355 сўм қилиб белгиланган. Энди А.Ниёзқулов томонидан талон-торож қилинган 2 миллион сўмга келадиган бўлсак, Жиноят кодексига берилган анча миқдор тушунчасининг ҳуқуқий маъносига кўра, у анча миқдорни ташкил этмайди.

Таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 13-моддаси 2-қисмида қилмишининг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки

шахснинг аҳолини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга эканлиги қайд этилган. Суд юқоридегиларга асосланиб, судланувчи А.Ниёзқуловнинг жиноий ҳаракатини Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми «б» бандига шу модданинг 1-қисмига қайта малакалашни лозим топди.

Суд судланувчи А.Ниёзқуловга нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканини, муқаддам судланмагани, оилавий аҳоли, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини эътиборга олди.

Суд судланувчи А.Ниёзқуловни Жиноят кодексининг 166-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади фондига ушлаб қолган ҳолда икки йил олти ой муддатга ахлоқ туза-тиш ишлари жазоси тайинлади. Иш бўйича жиноят қуроли деб топилган «УРАЛ» русумли велосипед давлат эгалигига ўтказилди.

Ҳа, инсонпарварлик, адолатпарварлик ва демократик тамойиллар асосига қурилган қонунчилигимиз ва унда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар оқибатини ўйламай жиноят содир этган бир шахсга ҳар йўлга тушиб олиш, ҳалол меҳнати билан ўзини оқлаш учун имкон берди. Энди ҳаммаси А.Ниёзқуловнинг ўзига боғлиқ. У ҳалол меҳнати билан билдирилган ишонччи оқласа, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олади.

**Шерзод ЭШМИРЗАЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Жиззах шаҳар судининг судьяси  
**Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
«Куч — адолатда» муҳбири

*Sabiq*

# Саломатлик — бебаҳо

## унга зарар етказишга йўл қўйилмайди

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва маънавий бой ёш авлоднинг вояга етказишга йўналтирилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалда қўйилган самараларни бермоқда. Энг муҳими, юртимизда инсон ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилишга оид мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, 2007 йил 25 апрелда қабул қилинган қонунга кўра, Жиноят кодексига чигитдан олинмаган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритилган учун жавобгарлигини белгилловчи 186-моддаси киритилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Урни келганда шунини айтиш керакки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти юритиш учун яратилган қулайлик ва имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, ўзининг шахсий манфаати баробарида халқ фаровон-

лигини кўзлаб меҳнат қилаётган ва юксак натижаларга эришадиган юртдошларимиз кўпчилигини ташкил этади.

Бироқ ҳаётда инсон саломатлиги каби энг олий қадриятдан ҳам ўзининг манфаатини устун қўядиган, энг ёмони, ўзгалар соғлиғига зарар етказиш ҳисобига мўмай даромад олишни кўзлайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Ўткир Кенжаев Қарши шаҳридаги эски буюмлар бозоридан зарур эҳтиёт қисмларни сотиб олиб, Қарши туманидаги Шилви кишлоғидаги ҳовлисида ёғ ишлаб чиқарадиган жувоз ускунасини ўрнатди. У тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган кимсадан дориланган бир неча қоп уруғлик чигит сотиб олади ва жувозда мой ҳамда кунжара ишлаб чиқара бошлайди. СВОЖДЛҚҚ Қарши туман бўлими ходимлари томонидан У.Кенжаевнинг ҳовлиси кўздан кечирилганда 472 кило дориланган уруғлик чигит, 112 кило кунжара, жувозда ишлаб чиқарилган 44 литр пахта ёғи борлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштирилди.

Нишон туманидаги «Юлдуз» кишлоғида истикомат қиладиган Камол Турдиев ҳам шундай ноқонуний ишга қўл урганлардан бири. У ҳовлисида ёғ ишлаб чиқарадиган қўнбола усулда ясалган жувоз ускунасини ўрнатган. Шундан сўнг техник чигит маҳсулотларини сотиб олиб, мой ва кун-

жара ишлаб чиқара бошлаган. Нишон тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда унинг уйида 297 кило 2.2 навли техник чигит, 493 кило кунжара маҳсулоти, 200 литр истеъмолга яроқсиз пахта ёғи борлиги аниқланди.

Албатта, бу ҳаётда бирон-бир ноқонуний иш жазосиз қолмайди. Шу маънода жиноят ишлари бўйича Нишон тумани суди томонидан У.Кенжаев, К.Турдиев Жиноят кодексининг 186-моддаси билан айб-

дор, деб топилди, уларга тегишли жазо тайинланди. Ҳа, айбдорларга қилмишига яраша жазо тайинланди. Аммо уларнинг ён-атрофидати одамлар билгани афсусланарли. Ахир, юртимизда тадбиркорлик қилиб, мулкдор бўлиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бундан фойдаланиш, факат тўғри йўлни танлаш мақсадга мувофиқ.

**Жасур НОРҚОБИЛОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Нишон тумани судининг раиси



даси асосида жиноят ишини ҳаракатда шахснинг айблили масаласини ҳал қилмай туриб, жиноий ишларни тугатишга асос бўлаётгани самарасини жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти, туман ва шаҳар судлари мисолида ҳам кўриш мумкин. 2011 йилнинг тўққиз ойида вилоят биринчи босқич судларида 383 нафар шахсга нисбатан 351 та иш ярашув аҳди билан тугатилган. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида эса, 280 нафар шахсга нисбатан 259 та иш Жиноят кодексининг 66-моддасига кўра, ҳаракатдан тўхташилган.

Хуллас, қонунларимизга ярашув институтининг татбиқ этилгани, унинг таъсир доираси кенгайиб бораётгани инсон манфаати, оилалар барқарорлигига самарали хизмат қилмоқда.

**Бобошер ҚУРБОНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Навоий вилояти суди  
раисининг ўринбосари

# ИНСТИТУТИ

## инсон манфаати, оилалар барқарорлигига хизмат қилмоқда

Гумон қилинувчи С.Ермаматов судда қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини, жабрланувчининг даволавиши билан боғлиқ моддий ва маънавий зарар-

ни қоплагани, ундан кечирим сўраб, ярашганлигини, содир этган жиноятнинг оқибатини англаб етганини таъкидлаб, Жиноят кодексининг 66-мод-

даси асосида жиноят ишини ҳаракатда шахснинг айблили масаласини ҳал қилмай туриб, жиноий ишларни тугатишга асос бўлаётгани самарасини жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти, туман ва шаҳар судлари мисолида ҳам кўриш мумкин. 2011 йилнинг тўққиз ойида вилоят биринчи босқич судларида 383 нафар шахсга нисбатан 351 та иш ярашув аҳди билан тугатилган. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида эса, 280 нафар шахсга нисбатан 259 та иш Жиноят кодексининг 66-моддасига кўра, ҳаракатдан тўхташилган.

Хуллас, қонунларимизга ярашув институтининг татбиқ этилгани, унинг таъсир доираси кенгайиб бораётгани инсон манфаати, оилалар барқарорлигига самарали хизмат қилмоқда.

**Бобошер ҚУРБОНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Навоий вилояти суди  
раисининг ўринбосари

## Muloqot

— Айтинг-чи, ҳўжалик судида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

**Л.АСЛИДДИНОВА,**  
Қарши шаҳри

— Ҳўжалик-процессуал кодексининг 35-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан қўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, ҳўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишнинг кўриш давомида тугилайдиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд қўжжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда ушбу кодексда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишда иштирок этувчи шахслар ушбу кодексда назарда тутилган процессуал мажбуриятларга эгадир ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари шарт.

— Ҳозирги вақтда мен институтда илмий тадқиқот олиб бораман. Илмий ишим билан янада жиддий шуғулланишим учун таътил олишим зарур. Айтинг-чи, мен ижодий таътил олсам бўладими?

**Ғ.МАХМУДОВ,**  
Поп тумани

— Ижодий таътиллار Вазирилар Маҳкамасининг 1997 йил 11-мартдаги 133-сонли қарорига асосан, давлат олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига — ушбу муассасалар Илмий кенгашининг тақдимномасига кўра, директор (реktor) томонидан; бошқа давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ходимларига — илм толиби бириктириб қўйилган олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот муассасаси Илмий кенгашининг тақдимномасига кўра, вазирилик (идора) томонидан берилади.

Илмий даража олувчи илм толибларига бериладиган ижодий таътиллари расмийлаштириш учун кафедра, шўба, лабораториялар Кенгашга сабаблари кўрсатилган илтимоснома юборида.

Ижодий таътил бериш тўғрисидаги тавсиянома илмий ишнинг муҳимлигини, олиб борилган тадқиқотларнинг ҳажмининг ва диссертацияни таътил вақтида тугаллаш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда Илмий кенгаш томонидан берилади.

Илмий кенгаш тавсияномасида диссертацияни ниҳоясига етказиш учун зарур бўлган таътилни бериш вақти ва муддатлари кўрсатилади.

Ижодий таътил олган шахслар, таътил тамом бўлгандан сўнг, қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

**Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА**  
жавоб бери.


Газетхон савол беради...

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

# Ёш оилаларга — замонавий турар-жойлар

Фаргона вилоятида Мустаҳкам оила йилида ёш оилалар учун ўттизта янги кўпқаватли уй барпо этилмоқда

Аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган янги жамият барпо этишга доир машҳур беш тамойилнинг биридир. Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўлини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида мазкур йўналишда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Фаргона вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.



Ихалар буйича уй-жой қурилиши дастурлари доирасида аҳолининг, биринчи навбатда, ёш оилаларнинг уй-жой шариоитлари яхшиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ҳам шаҳарлар, туманлар ва шаҳар посёлкаларида яшовчи ёш оилалар учун уй-жой қурилиши дастурини кенгайтириш, уй-жой қуриш ва маиший турмушни ташкил этишда ёш оилалар учун шарт-шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Фаргона вилоятида мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларга сотиш учун 2012-2013 йилларда 38 кўп қаватли уй қуришни назарда тутувчи «Ёш оилаларга турар-жой» дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида ошмайдиغان физикли ставка

буйича ёш оилаларга ипотека кредитларини 15 йилгача муддатга бериш белгилаб қўйилди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 30 апрелда қабул қилинган «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу кунларда Фаргона шаҳридаги «Хўжанд» кўчасида барпо этилаётган ўттизта кўп қаватли уйда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Маргилон ва Фаргона шаҳарларидаги эски ётоқхона биноларини реконструкция қилиш буйича ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бу ишлар натижасида яна кўп қаватли ёш оилаларга замонавий турар-жойларга эга бўлади. Эътиборли жиҳати, мазкур квартиралар умумий қийматининг 75 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдордаги ипотека кредитлари эҳтиёжманд ёш оилаларга ҳудудий комиссияларнинг тавсиялари асосида

уй-жой қийматининг камида 25 фоизи миқдордаги бошланғич бадал ариза берувчилар томонидан махсус ҳисоб-рақамга ўтказилгандан кейин 15 йил муддатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида кўп бўлмаган физикли ставкаси буйича уч йиллик имтиёзли давр билан берилди.

— Президентимиз ташаббуси билан бошланган бундай хайрли ишлар мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг юксак ифодасидир, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров. — Фарғонада ҳам замонавий уй-жойлар қурилмоқда. Уни харид қилган ёш оилалар барча қўлайликлар мавжуд уйларга эга бўлади.

Айни пайтда ёш оилалардан мазкур уйларни харид қилиш буйича кўп қаватли муҳожаатлар тушмоқда. Уй-жой сотиб олишга эҳтиёжманд ёш оилаларни ташлаш буйича вилоят комиссияси ҳолис ва очиклик асосида босқичма-босқич бундай оилаларни турар-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

«Ипотека банк» акциядорлик-тижорат банкнинг вилоят филиали ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишларни олиб бормоқда. — Ўтган йили филиалимиз томонидан 51 нафар ёш оиллага 2 миллиард 259 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилган бўлса, жорий йилда бу ишларнинг салмоғи янада ортимоқда, — дейди «Ипотека банк» вилоят филиали бошқарувчиси Акмал Мўминов. — Фарғона шаҳрида олтига кўп қаватли уй-жойларни қуриш учун маблағ ажратилган. Бу билан 104 оила замонавий уй-жойга эга бўлади.

Вилоятда ёш оилалар учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель, мураккаб маиший техника ва ошхона жиҳозларини харид қилиш буйича ҳам дастур ишлаб чиқилиб, унга асосан жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан 1062 ёш оиллага имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мухтасар айтганда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида Фаргона вилоятида оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг уй-жой масалаларини ҳал қилишга қаратилган ижтимоий дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Бу оила институтини янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ**

Бутун дунёга «дарахт-одам» сифатида танилган индонезиялик балиқчи Деде Косварени тақдир шу қадар бешафқат синов билан «сийлаган»ки, унга кўмак беришга ҳатто замонавий тиббиёт ҳам ожиз қолмоқда.

*Sirli olam*

## Биз билган ва билмаган дунё

**АНТИҚА КАСАЛЛИКЛАР**

Аслида, онадан тўрт мучаси соппа-соғ туғилган Деде Косваре 15 ёшлигида эҳтиётсизлик туфайли тиззасини шилиб олади. Ана шу бир қарашда арзимасдек туолган жароҳат кейинчалик унинг ҳаётини буткул ўзгартириб юборади. Аввалига унинг терисиде галати гадир-будирликлар пайдо бўлади ва улар аста-секин ўсиб шундай кўрқинчли тусга кирадик, орадан ўн йил ўтиб шўрлик балиқчи ҳатто пул ишлаш учун денгизга ҳам чиқолмай қолди. У оддий уй юмушларини ҳам бажаришга қийналар эди. Бу ҳам етмагандек, уни хотини икки боласи билан ташлаб кетди. Деденинг кўл-оёғини қоплаган гадир-будирликлар эса, камайиш ўрнига баттар катталлашиб бутун танани қоплай бошлаганди. Оқибатда Деде бамисоли оёқда юрадиган дарахтга ўхшаб қолганди.

Кўп ўтмай Деде Косваре ҳақида бутун дунё янгиликлариде хабар берилгач, «Дискавери» телеканали жамоаси Индонезияга америкалик энг машҳур дерматолог шифокор доктор Энтони Гаспарини олиб келишди.

Гаспарин узок текширувлардан сўнг бу одамнинг «дарахт»га айланиши сабаблари папиллома вируси билан боғлиқ эканлигини аниқлайди. Шифокорнинг таъкидлашича, бу кам учрайдиган хасталиклар турига кирмайди. Одатда, касаллик кичкинагина сўгаллардан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Деденинг имунитети жуда паст бўлганлиги туфайли организм бу вирус билан кураша олмаган. Инфекциянинг шиддатли тарзда тарқалишининг бошқа бир сабаби эса, бемор организмнинг вирусга қарши ҳимояланиш воситаси бузилишига олиб келган мутация жараёни билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Шифокор кўлидан келганча ҳамма ишни қилиб, Дедени даволади. Аммо орадан тўрт ой ўтгач, Дедени танани яна ўша гадир-будирликлар қайта қоплаб ола бошлагач, шифокорлар якуний ҳулосага келишди: Дедени бутунлай тузатиб юборишнинг имкони йўқ.

Шифокорлар ҳар йили икки марта Деде Косварени сўгаллардан тозалаш туришади. Бу эса, шўрлик балиқчи яна «дарахт»га айланиб кетгунига қадар ҳеч бўлмаса, оёқ ва кўллари эркин ҳаракатлантириш имконини бермоқда.

Дунёда тиббиёт давосини топа олмайдиغان бошқа касалликлар ҳам бор. Масалан, Кенади Жоурдин Бромли «митти фаришта» номи билан машҳур. 2003 йилнинг 13 февралда туғилган бу қизалоқ дунёга келганида оғирлиги бор-

ўғи бир кило эди. Бу ҳолат туғма дварфизм бўлиб, эндокрин тизимининг патологик ҳолати-карликлик ҳисобланади. Касаллик аномаль тарзда бўйнинг пастлиги билан характерланади. Дварфизм билан касалланган эркаклар етук ёшида 130, аёллар эса, 120 см. дан баланд бўлмайди. Ер юзиде 100 нафарга яқин одам бу касалликка чалинган.

Тиббиёт вакилларининг айтишича, Кенадининг бўйи умри давомида узоғи билан 30 сантиметр, оғирлиги эса, 4 килограммгача етиши мумкин, холос.

Украиналик Леонид Стадник эса, ақсична, дунёдаги энг дароз одам сифатида доврүк қозонган. Айни пайтда бу йигитнинг бўйи 2 метр 53 см. ни ташкил этади. Стадник 14 ёшида миясида ўтказилган жароҳат юрадиган дарахтга сўнг организмиде юз берган секрешия ва моддалар алмасинувининг бузилиши туфайли тез ўса бошлаган. Қизиғи шундаки, Л.Стадник ҳамон ўсишда давом этмоқда.

Аммо америкалик Брук Гринберг исмли қизолоқнинг хасталиги олдида балки Леонидга ҳавас қилса арзийди. Чунки тиббиётда прогерия касаллигига қарама-қарши бўлган феномен — улгайишдан тўхтаб қолиш дарди ҳам борлиги аниқланган. Брук Гринберг ҳозир 16 ёшда бўлса-да, унинг ривожланиши 8 ойлигида сусая бориб, кейин бутунлай тўхтаб қолди. Унинг физи ёшини исботлаб бера олувчи агона нарса бу унинг суякларидир. Мия фаолиятини ҳисобга олганда кичка бир яшар гўдак даражасида қолиб кетган. Ажабланарлиси шундаки, у гўдаклигининг илк ойлари қарши ҳимояланиш воситаси бузилишига олиб келган мутация жараёни билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Мельбурнлик Натали Адганча ҳамма ишни қилиб, Дедени даволади. Аммо орадан тўрт ой ўтгач, Дедени танани яна ўша гадир-будирликлар қайта қоплаб ола бошлагач, шифокорлар якуний ҳулосага келишди: Дедени бутунлай тузатиб юборишнинг имкони йўқ.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚҮЗИЕВА тайёрлади.

*Maslahat*

## Жарима жазоси у қандай тартибда тайинланади?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасида жарима ҳақида сўз юритилган бўлиб, жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир. Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса — ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга — энг кам иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга — юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

**Иномжон АБДУРАХИМОВ,**  
Олий суд катта консультанти

Одатда, кишининг ташқи қиёфасига қараб, унинг феъл-атворини билиб олиш қийин. Бу ҳақда бежизга мулоҳаза юритаётганимиз йўқ.

Гап шундаки, одатда, фирибгар кимса ўзини ўта сипо, самимий қиёфага солиб кўрсатадики, бу сохта-корлик замирида, албатта, қандайдир муддао ётган бўлади. Шу боис ҳам фирибгарнинг ширин сўзига учган айрим соддадил кишилар у устамонлик билан кўйган тузоққа оппа-осон илиниб қолади.

Келинг, шу ўринда фикримизни мисоллар билан давом эттирайлик. Шавкат Ҳалимов (исм-шарифлар шартли) анча йиллардан буён қасосчилик билан шуғулланиб келарди. Албатта, ҳаётда касбнинг катта-кичиги бўлмайди, муҳими, киши ҳар бир ишни ҳалоллик билан адо этса, касбидан барака топади. Ҳалол меҳнат ортидан топилган ризқ эса, кишига ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Бўғини сўрасангиз, Шавкат аввал жиноий қилмишга кўл уриб, жавобгарликка тортилган эди. Аммо у бундан тўғри хулоса чиқариб олмади. Чунки орадан кўп ўтмай яна жиноий қилмишга кўл урди. Қўнларнинг бирида у Шаҳрисабз туманининг Дўқчи қишлоғида истиқомат қилувчи Абдурахим Қаюмовнинг уйига бориб, унинг ҳўқизини 2 миллион 970 минг сўмга сотиб олишга келишди. Шавкат А.Қаюмовнинг ишончига кириш учун 10 минг сўм бериб, қолган пулни бир ҳафта ичиде этказишга ваъда қилди-да, ҳўқизини етаклаб кетди.

Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмай, у яна шу қишлоқда пайдо бўлди. Бу гал у Фани Ражабовнинг ҳўқизини 2 миллион 950 минг сўмга савдолашиб, келишилган пулдан

*Jinoyatga jazo muqarrar*



10 минг сўмини берди-да, қолганини тез кунда этказишга ваъда қилиб, ҳўқизини олиб кетди.

Қишлоқнинг одамлари содда ва ишонувчан бўлади. А.Қаюмов ва Ф.Ражабов ҳам Шавкатнинг гапига сира шубҳа қилишмайди. Бироқ айтилган муддат ўтиб кетса-да, Шавкат қорасини кўрсатай демас, икки ҳам-қишлоқ эса, пулларини оламан, дея унинг ортидан юриб, роса сарсон-саргардон бўлишди. Аммо улар пулларини олишга кўзлари етмагач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага муҳожаат қилишди.

Суд фирибгарлик йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги маблағини кўлга киритган Ш. Ҳалимовни Жиноят кодексининг 168-моддаси «б» банди билан айбдор, деб топди ва унга тегишли жазо тайинла-

ди. Қарангки, ушбу туманда яшовчи Шоқир Нажмидиннинг қилмишлари ҳам Ш. Ҳалимовникидан асло қолшмайди.

У ҳамқишлоқлари Ботир Намозов, Хусан Бобоқулов ҳамда Жаҳонгир Аҳмедовга катта миқдорда иш ҳақи ваъда қилиб, Россиянинг Хабаровск вилоятига ишлаш учун олиб боради. Тўғри, Б.Намозов ва Х.Бобоқулов дастлабки ойларда иш ҳақини ўз вақтида олиб туришади. Бироқ кейинчалик Ш.Нажмидинно уларга иш ҳақини бермаслик мақсадида турли хил баҳоналарни ўйлаб топади.

Охир-оқибат эса, улар ишлаган қишлоқдошлар иш ҳақини тўлиқ ололмай уйлари-га қайтиб келишади. Шундан сўнг улар яна бир неча марта Шоқирдан иш ҳа-

қини беришни талаб қилишади. Аммо у ҳар гал куруқ ваъдадан нарига ўтай демасди.

Қисқаси, бу фирибгар кимсадан ўз ҳақларини олишга кўзи етмаган жабранувчилар ҳуқуқ-тартибот идорасига муҳожаат қилишди.

Айтиш кераки, тергов жараёнида Ш.Нажмидиннов сувдан куруқ чиқши мақсадида турли хил ваъдасонларни ўйлаб топди. Аммо унинг ҳийла-найранглари иш бермади.

Суд судланувчи Ш.Нажмидинновнинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо бериб, уни Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми «а» банди билан айбдор деб топди ва ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлади.

Шу билан бирга суд моддий зарар масаласини ҳам муҳокама этиб, фуқароний даъвогарлар Ботир Намозов, Хусан Бобоқуловга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини эътироф этган ҳолда, судланувчи Ш.Нажмидиннов ҳисобидан жабранувчиларнинг яна бирига 4000 АҚШ долларининг давлат курси буйича сўмдаги қиймати бўлган 6 миллион 372 минг 670 сўм моддий зарарини ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, бу ҳаётда инсонга фақат ҳалол меҳнати, эзгу ва савоб ишлари обрў-эътибор олиб келади. Ноқонуний қилмиш эса, кишини юзшувут қилади. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Ботирали ДИЁРОВ,**  
жиноят ишлари буйича Шаҳрисабз тумани судининг раиси  
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**  
«Куч — адолатда» муҳбири

**Куч — АДОЛАТДА**

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

**Бош муҳаррир:**  
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил  
23 февралда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.



**ТАХРИР ХАЙЪАТИ**

Бўришо МУСТАФОЕВ  
Шерали РАҲМОНОВ  
Боқижон ЯХЎЕВ  
Мавжуда РАЖАБОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ  
Омонбой ОҚЮЛОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Арислон УСМАНОВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Сардор ҲАМРОЕВ  
Саҳифаловчи  
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилми: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.  
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6007.  
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20<sup>30</sup> Топширилди: 21<sup>00</sup>